

ХОТИРА

ПАМЯТЬ

IN MEMORY

ТИМУР ҲАСАНОВИЧ ОЧИЛОВ (1963 – 2022)



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Миллий Археология маркази Самарқанд археология институти жамоаси оғир жудоликка учради. Институтнинг нашриёт ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассиси, қалби очик ва олийжаноб инсон – Тимур Ҳасанович Очилов 2022 йил 16 апрел куни 59 ёшида бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Тимур Ҳасанович 1963 йил 25 февралда Душанбе шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Тимур отаси Ҳасан аканинг хизмат фаолияти доимий кўчиб ўтишлари билан боғлиқлиги, оилада ижтимоий ҳамда маданий муҳитнинг тез-тез ўзгаришига сабаб бўлди. Бу ҳолат болаларнинг, айниқса ёш Тимур дунёқарашининг кенг ва эрта ривожланишига, мулоқотдаги киришимлигига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди. Тимур Ҳасанович ёшлигидан ота-онасидан ўзи учун муҳим

бўлган барча умуминсоний кадрятлар, одоб-ахлоқ, мустақиллик, руҳий тетиклик, хулқ-атвордаги мувозанат ва масъулият каби муҳим фазилатларни мерос қилиб олди.

1983–1985 йилларда Тимур Очилов Душанбе саноат коллежида тўқимачилик технологияси ва енгил саноат йўналишида таҳсил олди. Бу ерда у биринчи марта электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) билан танишиб, уни астойидил ўрганишга киришди. Кейинчалик, ушбу кўникма унга ўз вақтида янги техникани ўзлаштиришга ва кейинги ҳаёт ва иш фаолиятида қизғин фойдаланишга имкон берди.

Тимур Очилов техникумни тугатгач, бир муддат, яъни 1985–1988 йилларда Душанбе матбаа комбинатида китоб муқовалаш цехида уста бўлиб ишлади. Айнан шу ердаги иш фаолиятида унинг мустақиллиги, ташкилотчилик қобилиятлари намоён бўлди. Кейинчалик, ишлаб чиқаришда ортда қолган қолоқ цехга раҳбар этиб тайинланган Тимур цех ишини қайта ташкил қилиб, белгиланган давлат планларини ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. Натижада, унинг ишга ўзига хос ёндашуви тезда ўз самарасини бериб, у 1988–1992 йилларда Тожикистон Давлат нашриёт қўмитасининг ўзлаштириш ва таъминлаш бошқармаси қошидаги “Китоб” кооперативининг раиси лавозимиغا ишга тасдиқланди.



Аммо 1990 йилларнинг бошларида постсовет жамиятида турли воқеликлар оқибатида Очиловлар оиласи яна яшаш жойини ўзгартирди, Падари бузруквори Ҳасан отанинг тарихий ватани Ўзбекистонга кўчиб ўтиб, Самарқанд вилоятининг Жомбой шаҳрига муқим жойлашди.

Тимурнинг отаси, тарихга жуда меҳр кўйган Ҳасан аканинг янги кўшнилари орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг ўша пайтдаги директори, профессор Рустам Ҳамидович Сулаймонов бор эди. Шубҳасиз, ўз ватанининг қадимий тарихига бўлган қизиқиш бу одамлар даврасини яқиндан танишиш, ўзаро суҳбатлар натижасида бирлаштирди. Тимур Очиловнинг профессионал ноширлик қобилиятига ишонч ҳосил қилган Рустам Ҳамидович, кейинчалик унинг ўрнига директор лавозимида ишлаган Темур Ширинович Ширинов уни Самарқанддаги Археология институтига келишга ва нашриёт фаолияти билан шуғулланишга кўндиришади. Шундай қилиб, тақдир тақозоси билан институт нашриёт бўлимида ўз касбининг моҳир устаси иш бошлайди. Оддий Тимур ака, Тимур Очилов даражасидан Тимур Ҳасанович бўлиб номини ўзининг ҳалол меҳнати билан улуғлаган юкори ма-лакали ношир, мутахассис умрининг қолган қисмини ўзига яқин, ҳамфикр ва илмга интилувчан одамлар – институт жамоаси билан боғлади.

Тимур Ҳасанович иш бошлаган 1990 йилнинг ўрталарида Археология институтининг даврий нашри, ҳар йили бир сони “Фан” нашриётидан чиқадиган “Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” тўпламини чоп этиш бутунлай тўхтаб қолган эди. Институти дирекцияси ва албатта, Тимур Ҳасанович саъй-ҳаракатлари билан институтда кичик нашриёт бўлими ташкил қилинади ва тез орада “Ўзбекистон моддий маданияти тарихи” даврий нашри, янги таъсис этилган – “Ўзбекистон археологияси”, “Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар”, “Турон тарихи ва археологияси” каби даврий нашрлар, журнал ва тўпламлар, кўплаб рисолалар, монографиялар ва диссертация авторефератлари нашр этила бошлайди.

Кейинги йилларда бир қатор муаллифлар Тимур Ҳасановичнинг жонбозлиги билан “Халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари институти” билан яқин ҳамкорликда марҳум олимлар тадқиқотлари натижалари бўйича “Архив материаллари” нашрлари тайёрлана бошлайди. Йирик тадқиқотчилардан В.А. Шишкин, А. Сухарев, Л. Соколовская, Л. Павчинскаяларнинг охириги ўн йилликдаги тадқиқот ишлари натижалари чоп этилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу хайрли ишда, ўтганлар илмий меросини нашр этишда Тимур Ҳасановичнинг хизмати катта бўлди.

Шунингдек, айтиш жоизки, Тимур Ҳасанович интеллектуал меҳнатни юқори баҳолаган ва шу туфайли илм аҳлига доимий равишда профессионал техник кўмак кўрсатишга ҳар доим тайёр эди. “Археологнинг иши қийин, аммо бу тарих фанининг ривожланиши учун жуда муҳим ва мен бу иш натижаларидан одамлар кенг фойдаланиши ва улар томонидан қадрланиши учун қўлимдан келган барча ишни қилмоқчиман”, деган сўзларини Археология институтидаги ҳамкасблари ҳозирда ҳам эслаб юришади. Унинг ишга доир сўз бойлигида “нет”, “йўқ”, деган сўзлар мавжуд эмасди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд археология институти жамоаси, Ўзбекистоннинг барча археологлари, уни узоқ ва яқин хориждан яхши билган археологлар Тимур Ҳасанович Очиловнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ва самимий ҳамдардлик билдирадилар.

**Самарқанд археология институти
ва Миллий археология маркази
жамоаси**